



20 20 у « 06 » май

№ К-908

« » 20 г

Туман худудларидаги каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларининг сувни муҳофаза қилиш зоналарини ҳамда сохил бўйи минтақаларини белгилаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрда “Ўзбекистон Республикаси худудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 981-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан;

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрда “Ўзбекистон Республикаси худудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 981-сон қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Шўрчи тумани худудларидаги сойлар, каналлар, кирғоқ бўйи ҳимоя минтақаларини кирғоқдан 7-12 метр, хўжаликлараро канал ва коллектор тармоқлари учун 5-7 метр ҳамда хўжалик ички суғориш ва зовур тармоқлари учун 3-5 метр этиб белгилансин.

3. Хўжаликлараро канал ва коллекторлар кирғоқ бўйи ҳимоя минтақасида сув хўжалиги идоралари рухсатисиз қурилиш ишлари олиб бориш ифлослантирувчи нарсалар, (ахлат, гўнг, саноат чиқиндилари, маиший оқавалар) ташлаш шунингдек, захарли дорилар, минерал ўғит омборлари, ёнилғи мойлаш материаллари омборлари, автомобиллар ёнилғи куйиш шахобчалари, молхона, паррандачилик корхоналари ва бошқа ифлослантирувчи корхоналар қуриш қатъиян ман этилганлиги белгилаб қўйилсин.

4. Туман ҳудудларидаги магистрал, хўжаликлараро ва ички канал ҳамда коллекторлар қирғоқ бўйи ҳимоя минтақаларига сув хўжалиги идоралари рухсати билан қирғоқларни мустаҳкамлаш, сув буғланишини камайтириш мақсадида мавсумий қишлоқ хўжалиги экинларини экишга рухсат берилсин.

5. Мазкур қарор “Жараён” газетасида расмий эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг тармоқлар бўйича ўринбосарлари зиммаларига юклансин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими



Б.Худойберганов